

# ОЛТУН ЁРУҒ


1-китоб

“Олтин ёруғ” сўтраси туркий халқлар маданий ҳаётидаги қадимги ёзма ёдгорликлардан биридир. Бу асар буддавийлик оқимининг акидаларини илгарн сургани ва туркий халқлар руҳий, маънавий ҳаётида муҳим рол ўйнагани билан ҳам аҳамиятлидир. Айни пайтда туркий халқларнинг IX-X асрлардаги ўзига хос тил хусусиятларини, туркий адабий тил тараккиётини бу асар ўзида тўлиқ мужассам этади. Туркий халқлар учун муштарак бўлган бу ёзма ёдгорлик туркий тили халқлар тарихида уйғур тилидан сўнг ўзбек тилига илк бор таъдил қилинмоқда.

*Сўз боши, изоҳлар ва қадимги туркийдан ўзбекчага таъдил муаллифи*  
**Насимхон Раҳмон**

*Маъсул муҳаррир:*  
**филология фаилари доктори, профессор**  
**Ҳамидулла Дадабоев**

*Тақризчилар:*  
**филология фаилари номзоди, доцент**  
**Зиёдулла Ҳамидов,**  
**филология фаилари номзоди, доцент**  
**Музаффар Маматқулов,**  
**Жўра Худойбердиев**



ISBN 978-9943-09-775-3

Ўзбекистон Республикаси  
Фаилар академияси “Фан”  
нашриёти. 2009 йил.



0<sup>6</sup>

## КОМИЛЛИК МАНЗИЛИГА ЙЎЛ

Инсониятни солихликка етаклашда дунёнинг турли жойларида муштарак нурлар мавжуд бўлиб, бу йўللар бир манзилга олиб боради. Манзил – инсон, инсон қули. Хиндистонда – буддавийлик. Эронда – монийлик. Яқин Шарқ мамлакатларида – ислом. Ақидалару эътиқодлар туринча бўлса-да, мақсад бир. Ана шу муштарак йўللар бир манзилда – комиллик манзилда туташибди. Бугун биз кўп гапирётган маънавиятнинг шировард натижаси ҳам жамиятга комил инсонни тарбиялаб етиштиришдан иборат бўлган эди ва шундай бўлиб келди.

Комилликка эришган жонзотлар орасида энг олийси инсондир. Комиллик панду насихатларга кулоқ тутишинигина эмас, амалдаги хатти- ҳаракатини, мушоҳадани талаб этади. Комилликнинг даъваткор қудрати адабиётдадир. Ҳадимдан шундай бўлиб келган ва бугунгача давом этиб келмоқда. Ғарихга назар ташласак, Марказий Осиёда истиқомат қилган туркийзибон халқларнинг исломиятгача бўлган адабиёти бу жиҳатдан намунадир. Ған V-IX асрларда заминимизда яратилган монийлик ва буддавийлик окимидаги адабиёт дўрисида кетяпти. Бу давр туркий тилли адабиётда аниқ мақсадга – комил инсонларни тарбиялашга йўналтирилган алоҳида даъвату ақидаларни қўрамыз. Ған жамиятнинг бунга муҳтожлигида эмас, балки соғлом жамият барпо қилиш, руҳан собит ва уйғок насл яратишга интилишда бу даврнинг алоҳида ўзига хослигидадир.

Исломгача яратилган ёзма обидалар орасида монийлик окимидаги шеърлар, “Хуастуанифт” (ёки “Монийларнинг гавбаюмаси”), буддавийлик окимида мансуб “Майтри смит”, “Олтун ёруғ” (яъни олтинг ситғари нур) ҳамда кўнлаб буддавийлик ва монийлик матилари парчалари ҳамма даврда ҳам Марказий Осиё туркий халқларининг ижодий маҳсули бўлиб қолган. Мазкур адабий ёдгорликлар орасида “Олтун ёруғ” дostonи диққатга сазовор бўлиб, бир неча асрлар давомида Туронзаминда маънавий муҳитнинг барқарорлашувида катта хизмат қилди. Асар буддавийликка мансуб бўлиб, кашф этилган илм сифатида халқнинг шуурий изланишлари, эътиқод бутунлиги орқали пайдо бўлган. Асар туркий тилли халқлар орасида эътиборга молик асар бўлгани учун ҳам X–XVIII асрлар давомида ўн марта кўчирилган ва шарқдаги кўн тилларга таржима қилинган. “Олтун ёруғ” асари ўз даврида буддавийликка эътиқод қилувчи кавмлар орасида кенг тарқалган. Бу асар улар эътиқод қиладиган буддавийлик қонунаридан иборатдир. “Олтун ёруғ” мазмунан ва моҳиятан буддавийликнинг маҳаяна мазҳабига оиддир.

Маҳаяна “катта гилдирак” ёки “нажотнинг катта йўли” деган маънони билдириб, буддавийликда асосий йўналишлардан биридир. Маҳаяна мустакил йўналиш сифатида милодгача I асрда илк буддавийлик мактаби маҳасатчики асосида ташкил топган. Маҳаянанинг тўлиқ шаклланиши милоднинг бошларига – суғралар алоҳида гуруҳ сифатида пайдо бўлган даврга тўғри келади. Маҳаяна йўналишини буддавийлик билан шугулланган Нагаржуна, Ашвагошона,

Шағдаракитга. Чандракитги каби буюк файласуфлар ривожлантирдилар. Махаянанинг бошка буддавийлик йўналишларидан фарқи нимада? Нима учун уни "капта гилдирак" деб атайдилар? Ҳан шундаки, махаяна тарафдорларининг карашича, фикрини оидинлашуви фақат роҳибларгагина эмас, балки жамики маъшуқотлар учун жондир. Махаянанинг асосий фарқи хусусияти шундан иборат. Махаянада ҳамма пажот топиши мумкин, бу йўлда инсонга буддалар ва бӯдисатвлар ёрдам берадилар, деб каралади. Хинаяна йўналишига мансуб *арханти* тимсоли ўрнига, бӯдисатв тимсоли шакллантирилган. Бӯдисатв олий рухий етукликка эришиб, нирвонга кетмайди, балки ҳамма пажот топишга эришиши учун ёрдам бериши мақсадида сансарада қолади. Айтиши мумкинки, хинаяна издошларига: "Фақат яққа қолатда, узок вақт шахсан ўзини ўзи қомил қилиши роҳиблик орқали пажот топа олади", деб таълим беради. Махаяна қуйидагича ўғит беради: "Ҳамма учун йўл очик. Боринлар, сизларга будда ва бӯдисатвлар ёрдам берадилар. Агар бу йўлга киришга заиф бўлсангиз, оддий одам бўлиб қолинлар, аммо Будданинг қондалари ва амрларига риоя қилинлар, нирвонга етишиши учун капта қадам шудир".

Бунинг маъноси шуки, махаяна йўлига кирган инсонлар бу йўналишининг барча ақидаларини бажарадилар. Қолаверса, буддалар ва бӯдисатвлар худди бошка одамларнинг *карма* (инсон бутунлай қайта тугилиши жараёнида юз берадиган жамики яқини ва ёмон ишлар йиғиндиси)сини ўз зиммасига олаётгандай бўлади. Улар ўз жасоратлари билан олийжапоб қармони яратадилар ва азоб-уқубатлар орқали имондиларга ўтказадилар. Шунинг учун махаянадаги азоб-уқубат олий донишмандликка тенглаштирилади.

Махаянада Будда тимсоли батафсил ишлаб чиқилган. Бу "Олтун ёруғ" да ҳам ўз ақсини тошган. Будданинг уч танаши концепцияси ҳам шу оқимда пайдо бўлган. Махаянада ўтминдаги, ҳозирги ва келажакдаги буддалар бор. Буларнинг ҳаммаси битта моҳиятга эга бўлиб, бу моҳият *дармада* ўз ифодасини тошган.

Махаяна мифологияси инсоният яратган маданият тарихининг муҳим бир қисминдир. Буддавийлик учун алоҳида хусусиятга эга бўлган мифологик образлар ва сюжетларни яратинишига ингилиши махаянада алоҳида намоён бўлади. Махаянадаги мифологизация реал инсонларни, аниқ географик муҳитдаги шаҳарларни, маълум бир географик шароитни, маълум бир буюмларни қамраб олади ва мураккаб мифологик сюжетлар яратилади. Махаяна мифологиясига кўра, Будда дармони – нўм хазинасини фақат ўз шогирдларига ваъз қилиб қолмайди. Унинг атрофида бӯдисатвлар, худолар ва бошка мифологик нерсонажлар йиғиладилар. Уларнинг миқдори кўпинча сон-саноксиз деб айтилади. Улар махаяна таълимотига кўра, Шақямуни маълум вақт ваъз қилган аниқ шаҳарлар, дарёлар, тоғлар, ўрмонлар бўлиб қолмай, фикр оидинлашувида эришган абадий рамзлар ҳамдир. Масалан, махаяна таълимотига кўра, Шақямуни Гирдиракут тоғида ваъз қилган. Бу тоғ Ражагрих шаҳри ёнида. Шақямуни бу тоғда фақат ҳаётлигида эмас, балки ҳамма замонларда ваъз қилади. Гирдиракут тоғи Ҳиндистоннинг аниқ бир жойида эмас, балки ҳамма жойидадир. Хулаас, махаянанинг алоҳида хусусиятларидан бири – турли аниқ мамлакатларни мифологик таъсирлашдир.

Тема адабиёт махаяна мазхабида катта вазифани бажаради. Махаянага бир адабиётлар шунчалик кўпки, бу йўналишни кўпинча сўтралар буддизми ва ҳам айтадилар. Буларнинг ҳаммаси биргаликда шунга олиб келдики, айнан буддавийликнинг бошқа йўналишларига қараганда оддий халқ учун бу фалсафий қарашлари бўлган донишмандлар учун буддавийлик ўртасида айниқдай фарқ юзага келган. Айнан махаяна туфайли буддавийлик ҳақиқатимул диний—фалсафий оқимга айланди. Буддавийлик етиб борган мамлакатларда буддавийликкача бўлган иноич—эътиқодларни ҳам махаяна дунанини қамраб олди. Натижада бу мамлакатларда махаяна буддизми ўзига хос хусусият касб этди.

Махаяна таълимотининг қадимги туркчадаги номи *ulugh kolungu*. Махаяна таълимоти Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Айниқса, Кушон давлатида шох Қанишка ҳукмронлиги (унинг ҳукмронлиги милодий 78 йилдан бошланган) ширди махаяна кенг тарқалиб, расмий диний оқим даражасига кўтарилди. Қанишка буддавийлик тарихида “иккинчи Ашок” (милоддан олдинги 274/268 – 209/231 йилларда ҳукмронлик қилган шох, у Бактрияга, Сўғдага миссионерлар юборган) номи билан шухрат қозонди. Қанишка даврида махаяна мазхабининг асосий қондаларини тарғиб қиладиган кўплаб асарлар яратилди. “Олтун ёруғ” асарининг қадимги туркийдаги тўлиқ номи “*Altun onglug, yaruq, yaltiriqligh, darta kotulmsh nom iliki atligh nom bitig* – Олтин рангли, ёруғ, ялтироқ, ҳамма тарафдан устун турадиган нўм подшоҳи номли нўм битиги” деб номланиб, шундан “Олтун ёруғ” деб номланиб келади. Асарнинг санскритча номи “Суларишабрахаса” дир.

“Олтин ёруғ”нинг асл матни тахминан милодий I асрда яратилган. Бу асар бошдан—охир махаяна мазхабини тарғиб қилишга қаратилди. Савол туғилади: нима учун айнан махаяна мазхаби асосида яратилди ва Қанишка ҳам айнан шу таълимоти ёйиш учун хизмат қилди? Зотан, махаяна таълимотида ички шайхонлик, рухий, маънавий соғломлик бош ўрин тутди. Қолаверса, Марказий Осиёдаги азалий маънавий мухит ҳам махаяна мазхаби билан уйғуллашади. “Олтин ёруғ”нинг асл нусхаси яратилиш даври, биринчидан, айнан Кушон империясининг кучайиб, Ҳиндистоннинг катта қисмини эгаллаб олган даврга тўғри келади. Иккинчидан Кушон империяси Марказий Осиёдаги туркий қавмлар давлати бўлгани боис, бу империя ҳукмронлигига қадар буддавийлик Ўрта Осиёда, хусусан, Жанубий Ўзбекистон ҳудудида энди ёйилиб бораётган эди.

Албатта, маълум бир диний—фалсафий оқимнинг ёйилиб, илдиз отиши учун ички шарт—шароит бўлиши зарур эди. Шубҳасиз, буддавийлик маҳаллий дин қобилиги ёриб чиқиб, бу даврда дунёвий дин даражасига кўтарилган. “ҳар бир одамнинг мижози билан ҳамроҳ бўлиб бораётган эди. У инсонда мавжуд маънавий маҳаллий муносабат билан муносабатсиз бўлиб, маҳаллий дин унга ўхшамайди. Дунёвий дин бир халқнинг эътиқоди бўлиб қолмай, шу халқнинг маънавий ва ижтимоий қурилмаси билан шунчалик зич бирикиб кетган бўлади”.<sup>1</sup> Бу зичлик, бир томондан, бошқа халққа ёйилишига ҳалакат бермади, балки халқнинг маънавий ва ижтимоий қурилмасини бошқа халқларга етказди.

<sup>1</sup> Ёшнинг Қадимги илақ йўли маданияти. – Шинжон халқ нашриети. 2003. 130-бет

Иккинчидан, ўзга муҳитдан кириб келган дунёвий динлар – буддавийлик, монийлик маълум маҳаллий шароитга мослашиб, шу халқнинг маънавий мулкига айланади.

“Олтуи ёруғ”нинг яратилишида туркий қавмлар ҳам иштирок этган деган фикримизга Ўрта Осиёнинг қадимий мифологияси ва афсоналаридаги қахрамонлар исмининг мазкур ёзма ёдгорликда учраши бир далилдир. Жумладан, “Олтуи ёруғ”нинг биринчи китобида Эрлик хон (Эрклиг деб ҳам айтилади) тимсоли бор. Эрлик хон турк–мўғул мифологиясида кенг тарқалган. “Олтуи ёруғ”да бу тимсол Қу тауни ёвуз қилмишлари учун ҳукм қилмоқчи бўлади, чунки Эрлик хон марҳумлар шохлиги ҳукмдоридир (Эрклигининг дугавий маъноси ҳам қадимги туркий тилда “қудратли ҳукмдор”дир). Афсоналарга кўра, Эрлик қадимда руҳоний бўлиб, авлиёликнинг энг юқори даражасига эришган ва ғайритабиий қудратга эга бўлган эди. Унинг ўлими ҳақида икки ривоят бор: биринчиси – у ўғирликда айбланиб, тўхматнинг қурбони бўлган, иккинчиси – талончиларнинг жиноятларига беихтиёр гувоҳ бўлиб қолган. Оқибатда талончилар томонидан ўлдирилган. Шуниси ажабланирлики, Эрликнинг боши олингандан кейин ҳам, унинг танаси тирик қолган. Эрлик қалласи ўрнига ҳўкизининг бошини ўриатиб олиб, қўрқинчли киёфага эга бўлиб қолган. Хуллас, Эрлик инсонлар тасаввурида ҳалокат келтирувчи иблис сифатида қолган. “Ўлим голиби” Ямандаг Эрликни мағлуб қилиб, ер ости дунёсига жўнатиб юборган. Шундай қилиб, Эрлик нариги дунёнинг ҳукмдори ва ҳақами бўлиб қолган. Гарчи Эрлик билан Ямандаг ўзаро душман бўлса–да, икковининг ҳам киёфаси бир–биринга ўхшатилиб бутлар ясалаверган (масалан, Мўғулистонда).

“Олтуи ёруғ” мифологияси Ўрта Осиё халқлари мифологияси билан уйғунлигини исботловчи далиллар кўп. Жумладан, Зерван ва Хўрмузд мифологик образларининг маъно ҳамда вазифалари зардуштийлик билан буддавийликда, хусусан, “Олтуи ёруғ”да уйғундир.

Зерван (ёки Азруа) илк бор “Олтуи ёруғ”нинг биринчи китобида (17–саҳифасида) учрайди. Асарда “барҳаёт” Зерван ва Хўрмузд Тангрилар таңгриси бурхондан кейин мавқе тутган таңгрилардир. Биринчи китоб таржимони Нўмчи Танвасин муаллим Зерван билан Хўрмуздга таъзим қилишини баён этади. Асарининг кейинги саҳифаларида Зервандан кўра, Хўрмузд фаол мифологик образ сифатида кўринади. Унинг сифатлари кўп: Таңгриларнинг қудратлиси, таңгрилар хони, бўдисатъ ва х.

“Олтуи ёруғ”даги барча таңгрилар, маҳаранчалар, ёрдамчи руҳларнинг ўз вазифаси бор. Аммо барча таңгрилар орасида Хўрмуздгина Таңгрилар таңгриси бурхонга мазмундор, чиннакам нўмини – қонуни етказишга қодир (II, 27б). Хўрмузд қудрати туфайли Таңгрилар таңгриси бурхоннинг эътирофига сазовор бўлган, унда бурхоннинг қудратига тенг қудрат бор (III, 2а). Бурхон Хўрмуздни Кавсикия деб атайдди. Кавсикия – душманлар ва иблислар устидан голиб бўлган, момақалдирок ва уруш таңгриси Индранинг номидир.

Шу ўрнида “Олтуи ёруғ”га “Авесто”даги мифологик образлар қай тарзда кириб келгани мавҳум бўлиб қолмаслиги учун баъзи кузатишлар ҳақида тўхталамиз.

Ана шу Хўрмуздининг хинд мифологиясидаги ўхшаши таиғри Индра билан Индра тугилиши билан қадимги хинд адабиётида космогоник мифологиянинг иккинчи босқичи бошланган (биринчи босқичи азалда оламнинг яратилишига оид мифлардан иборат)<sup>2</sup>. Дуалистик фазо айнан Индра тугилгандан кейин бошланган (Хўрмузд билан Ахриман тугилгандан кейин дуалистик қараш бошланганига эътибор берайлик). Индранинг асосий вазифаси тоғову оламдан реал оламни пайдо қилишдан иборатдир. Индра оламга зулмат ва нурни, кун ва тушни, ҳаёт ва ўлимни олиб келади. Иккинчи космогоник босқич айнан “Ригведа”да аниқ аке этган.<sup>3</sup> Ана шу далилларга таянган ҳолда “Авесто”да асос бўлган мифология билан “Ригведа” (II минг йилликнинг аввалиги ярмидан кейин яратилган деб тахмин қилинади), ёки айтинч суваронки, қадимги хинд мифологияси ўртасидаги алоқалар ведалар пайдо бўлган даврдан бошланган. (Веда – “муқаддас билим”, Ригведа – “муқаддас билимлар мадҳияси” демаклик). Тарихий муносабатлар “Авесто”даги мифология билан ведалардаги мифологиянинг қариндошлик алоқаларини ўрганишга имкон беради.

Бун тарқалган пуктан назарга кўра, II минг йилликдан олдин Ўрта Осиёдан, хусусан, Амурдарё ва Сирдарё оқими бўйлаб жойлашган ўлкадан бориб Орол ва Каспий денгизларигача чўзилган юртдан Ҳиндистонга арийлар қабиласи бостириб кирган (М. Майрхофер, И.М.Дьяконов, Т. Боррау ва бошқа кўп шарқшунослар шу фикрда). Ана шу даврдан бошлаб арийларнинг алоҳида қабилалари турли томонга кўча бошлаганлар. Бу кўчиш II минг йилликнинг ўрталарига тўғри келади. Улар Ўрта Осиёдан Афғонистонга, у ердан Ҳиндикуш тоғлари орқали Ҳиндистонга – ҳозирги Папжоб вилоятига ўтганлар. Арий дегани Ҳиндистондаги қабилалар кўйган эмас, балки Ўрта Осиёдан борган қабилаларнинг ўзлари олиб борганлар. Арийлар “нафакат харбий истеъдоди билан, балки бадний сўз соҳасидаги иқтидори билан ҳам ажралиб турганлар. Бу қабилаларнинг энг асосий хазинаси мадҳиялар бўлиб, келгусида ҳам қилган Ригведаларнинг асосида ана шу мадҳиялар ётган эди”.<sup>4</sup> Арийларнинг бошқа ўлкалардан Ҳиндистонга киргани тўғрисида бошқа фикрлар ҳам бор.<sup>5</sup> аммо кўпчилик рус ва Европа шарқшунослари арийлар бадний кўн томонларига Ўрта Осиёдан тарқалганини айтадилар.

“Ригведа” билан “Авесто”нинг қариндошлиги масаласини далилларда олишлар, тарихий алоқалардан ташқари, лингвистик оминларга ҳам таянадилар. Муъаласселарнинг фикрича, “Ригведа” билан “Авесто” тилининг бири-бирига яқинлиги (айниқса, “Ригведа”даги мандал ва “Авесто”даги готлар) шу даражадаки, баъзан иккала ёзма манбадаги мати бир архаик матиннинг икки вариантига ўхшаб кўрилади, фақат товушлар мослиги қоидаларида фарк бор, деб асос. Ана шу яқинлик туфайли ҳам айрим олимлар ўтган асрнинг биринчи ярмида “Авесто”даги баъзи шеърлар “Ригведа” тилига таржима қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўқув-тарбия вазирлиги ташкилотидан берилган маълумот. 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўқув-тарбия вазирлиги ташкилотидан берилган маълумот. 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўқув-тарбия вазирлиги ташкилотидан берилган маълумот. 4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўқув-тарбия вазирлиги ташкилотидан берилган маълумот. 5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўқув-тарбия вазирлиги ташкилотидан берилган маълумот.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўқув-тарбия вазирлиги ташкилотидан берилган маълумот. 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўқув-тарбия вазирлиги ташкилотидан берилган маълумот.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўқув-тарбия вазирлиги ташкилотидан берилган маълумот. 4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўқув-тарбия вазирлиги ташкилотидан берилган маълумот.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўқув-тарбия вазирлиги ташкилотидан берилган маълумот.

деган фикрга келдилар. “Авесто”дан килинган бу таржималарни ведаларнинг аслиятидан фарқлаб бўлмаган.

“Ригведа” билан “Авесто”нинг тили жумладан, поэтик путкнинг яқинлиги таджикотчиларнинг диққатини тортган. Ҳар икки ёзма ёдгорликдаги мифологик мерос ҳар бирдир – иккаласи ҳам арийлар мифологиясидан озикланган. Аммо диний тизим “Авесто” ва “Ригведа”да фарқли бўлгани учун ҳар иккаласида ҳам бу тизим ўз тараққиёт йўлидан кетди. Тил ва мифологик мероснинг ҳар иккала манбада бирлиги айрим сўзларнинг маъно ва вазифалари солиштирилганда маълум бўлади. “Ригведа”да *deva* – “Авесто”да *daeua* сифатида талаффуз килиниб, биринчисида “худолар” маъносини, “Авесто”да эса бу сўз “иблислар” маъносини билдиради. “Авесто”да *ahura* сўзи “Ригведа”да *asura* деб айтилади ва биринчисида фақат худоларни (масалан, Ахурамазда ёки Хурмузд) билдиради. “Ригведа”да худолар (масалан, Митра, Варуна каби) нинг эпитети вазифасида қўлланади.

“Ригведа” билан “Авесто”нинг мифологик қаҳрамонлари ўртасидаги умумийлик шунини кўрсатадики, исларнинг лингвистик жиҳатдан бирлиги, қолаверса, ҳар иккаласида вазифа ва сюжет жиҳатидан ўхшашлиги улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларидан далолат беради. “Ригведа”да – *Yama*, “Авесто”да – *Yima*, “Ригведа”да – *Vata*, “Авесто”да – *Vita*, “Ригведа”да – *Vayu*, “Авесто”да – *Vayu* ва ҳ. исларда айнан шунини кўриш мумкин.

“Ригведа” ва “Авесто” икки диний тизимга мансуб бўлса ҳам, иккаласи учун умумий бўлган культлар бор. Жумладан, *олов* култи ҳар иккаласида заминда қурбонлик қўйдиришни, осмондаги қуёш ва бошқа самовий илоҳларга оид ҳамма ҳусуиятларни қамраб олади; ёки *муқаддас ўсимликлар* култи тўғрисида маълумот берилганда, ҳар иккала манбада ҳам бу ўсимликлардан боқий умр ато қиладиган ичимлик тайёрланиши тўғрисида сўз кетади. Шунингдек, ҳар иккала манбада мадҳия–ибодатлар ҳам умумий мазмунга эга.

Умуман олганда, ҳар иккала халқнинг ёзма ёдгорликларини жалб қилган ҳолда, умумий мифологияни ўрганиш келгусида амалга ошириладиган вазифалардан биридир. “Олтун ёруғ”даги Зерван ва Хурмузднинг мифологик асосини ведалардан, ҳусусан, “Ригведа”дан бошлаш масаласига кўп ойдинлик киритади.

\* \* \*

“Олтун ёруғ”да бурхоннинг эътироф этишича, Хурмузд жамики инсонларни қилмишлари, гуноҳлари учун пушаймон қилдириб, тавбага олиб келади. У, инсонларни ёвуз қилмишларидан поклагин, деб бурхондан илтимос қилади (111. 26). Хурмузднинг бу ишини Таңрилар таңгриси маъқуллайди ва жамики инсоният гуноҳларидан покланиши учун қандай амалларни бажариш лозимлиги тўғрисида Хурмуздга йўл–йўрик беради. Бу амаллар – ҳамма бурхонларга таъзим қилиш, яъни иззат–ҳурмат қилиш, зехни очилганларга таъзим қилиш, маҳаяна таълимотини тарғиб қилувчиларга таъзим қилиш ва ҳоказолардан иборат. Аммо амаллар фақат шулардан иборат эмас, балки инсонлар қилган гуноҳларини эътироф этиб тавба қилишлари ҳам лозим. Зотан,



инсонлар ёвуз, ёмон қонуналарга эрганиб, ҳатто дўзахга ҳам тазйик ўтказган, газабнок бўлиб, нафрат ва подонлиги туфайли жонзотларга зулм қилган, яхши-ёмон инларни ажрата олмай, тана хоҳини билан иш қилиб жонзотларга жабр қилган, тилига эрк бериб, кўнглида ёмон ишларни келтириб гуноҳ қилган, ёмон ният билан бурхоннинг танасидан қон чиқарган, тўғри, ҳақиқий нўмдан нафратланган, нўмдан нафратланиб, ундан юз ўгирган, соф ниятли руҳонийлар орасида игво кўзгаб, жанжал чиқарган, ҳатто ота-онасини йўқ қилдирган, гуноҳу айбларни фақат ўзи қилиб қолмай, бошқаларни ҳам шундай ярамас ишларга ундаган ва ўзи бу қилмишларидан хурсанд бўлган, пок одамларга иллату гуноҳларни тўнкаган, ёмонни яхши деб мактаб, яхшини ёмон деб қўллаб-қувватлаб, у нуқсонлидир, у шайтондир, деб ҳукм чиқарган.

Хуллас, дунёда нимаики иллатлар бўлса, инсоният шуларнинг ҳаммаси ижрочиси. Шунчалик кабоҳатга ботган инсониятнинг гуноҳлари учун афв сўраб. Хўрмузд бурхон олдида воситачи бўлади, гўё Мусо пайгамбар барча Исроил халқининг гуноҳлари учун афв сўраб Худога илтижо қилгандай. Шундай қилиб, Хўрмузд катта ижтимоий вазифа бажаради – бурхондан инсоният учун бахт сўрайди, инсониятни тўғри йўлга солинадан, яхшилик илдинини мустаҳкам қадандан иборат вазифани амалга оширинини бурхондан илтимос қилади ва жамиятни соғлом қилиш учун курашади.

Бурхоннинг берган ўғитлари, йўл-йўриқлари ҳамма будисатвларнинг ҳаёти учун мезон, улар бу йўлни қундалик вазифа сингари қабул қилишлари керак: “Беш оламдаги жонзотлар учун ўз танасининг шу тарика шодлигини, хурсандчилигини, озиқ-овқатини, қурол-яроғини (кўза) тутмайдилар, жонларини, бошларини фидо қилиб, ҳаётини бериб, сабр қилиб, чидайдилар. Шу тарика будиставлар бу сингари (воқеалар) бўлишини биладилар, ўзлари тинч, шод бўладиган сабаблар орқали ҳам энг (кағтик) азобларни гушуниб етадилар, жонзот безовталанса, азобланса, у тинчликни, хурсандчиликни истамайди. (Улар) ўзларининг таналарини фидо қилиб, бошқалар (оёса бундан) эзгулик, хурсандчилик топадиган бўлса, таналарини, ҳаётларини шунчалик аямайдилар. Шундай қилиб, бу тахлитда будисатвлар ўзларининг тинчлигини, шодлигини тиламайдилар, (балки) таналарини, ҳаётларини аямайдилар, шу билан ўзидан юқори турадиганларнинг қўркув- азобларини, ўзидан қуйидагиларнинг хўрликларини, ёмон ниятли душманларнинг азоб-уқубатга солишини (ва шунга ўхшаш) кўн (азобларнинг) турларига сабр қиладилар, бардош берадилар. Шудир ўзларининг тинчлигини, хурсандчилигини истамасдан, таналарини, жонларини аямасликка ишониб, сабр қилмоқ фазилатига эришмоқ (дегани)” (IV 14a).

“Олтин ёруғ”нинг тузилиши ҳам “Авесто”ни оёлагиди. “Авесто”да Зардушт Хўрмузддан қонун сўрагани ва Хўрмузд Зардуштга жавоб берган каби. “Олтин ёруғ”да Хўрмузд бурхондан турли нўмлар – қонун-қоидалар, йўл-йўриқлар сўрайди.

Зерван, Хўрмузд, уларнинг атрофига йиғилган барча гангирлар инсониятнинг ҳалоскорин, муҳофаза этувчиси бўлиш билан бирга, “олтин нур”ни – буддавийлик ақидаларини ёшовчилардир. Бу нурга итбат этиб, унинг йўл-йўригидан юрадиган юртнинг подшоҳи “биринчидан, соғ-саломат, хавф-

хатарсиз бўлади, иккинчидан, умри узун бўлади, учинчидан, лашкарининг куч-қудрати ошиб кўпаяди, душманлари бўлмайдди, тўртинчидан, эл-улус шод-хуррам, тўғри, қонуи-қонда бўйича яшайди” (111, 33 а.б).

Бу ваъда эмас, балки амалга ошириши мумкин бўлган ҳақиқатдир. Қолаверса, ҳақиқат фақат шундан иборат эмас. Бурхоннинг ўғитлари, Зерванга, Хўрмуздга ва таңгрилар орқали берган ўғити юртни, инсонларни маънавий томондан соғлом қилади, молпараселлик иллатидан халос қилади, иллатлардан халос бўлишининг маҳсули сифатида инсонлар бир-бирларига меҳр-оқибатли бўладилар. Ҳукмдорга ўзининг халқи, атрофдаги душманлар ҳам соғва-салом келтириб дўст тутинадиган бўладилар, бунинг натижаси ўларок шон-шўҳратга эришадилар, ўзининг намоён қиладилар, ҳамманинг иззат-ҳурматига сазовор бўладилар. Пошхоқдан тортиб халқигача узок умр кўрадилар, тинч-омон яшайдилар (111 35 а.б – 36 а.б).

Зерван, Хўрмузд ва тўрт маҳаранч таңгрилари, худди эртак, эпос қаҳрамонлари сингари, инсониятни бахт-саодага элтувчи қудратли куч бўлиш билан бирга, уларнинг душманларини, эзгуликка қарши кучларни тумтаракай қочирадилар. Зотан, азалдан – яратилиш давридан бери Зерван билан Хўрмузднинг вазифаси шундай бўлган эди. “Хуастуанифт”нинг бошланишидаги Хўрмузд билан Зерванга оид воқеалар ҳам бунинг далилидир. Айни пайтда улар инсоният қалбидан жой олиб, “баҳодирлик, мерганлик, фазилат, маҳорат, билимни уларнинг кўнгилларига жо қилиш” учун бурхонга ваъда берадилар. Бу фазилатлар фақат руҳий маънода эмас, балки жисман инсон қалбида жо бўлиши лозим. Уларнинг ҳукмдорлардан тортиб халқигача жисмонан соғ-саломат яшашининг асосий шарт – бурхон берган тўғри қонуи-қондалар, қонулар таркибидagi ёрликлардир. Инсоният йўлидаги азоб-уқубатларни бартараф қилиш, шунингдек, ахлоқин жамиятнинг соғломлиги учун асосий шарт қилиб қўйиш, донолик мушоҳада орқали руҳий етуқликка олиб боришнинг ширвард мақсади – покомил бу оламни қомилликка етказишдир. Инсон ҳеч қачон азоб-уқубатдан, кексайишдан, ҳасталик ва ўлимдан холи бўла олмаган. Бунинг имкони ҳам йўқ, зотан, ҳаёт шундай қурилган. “Олтин ёруғ”нинг мақсади – инсоният азобни тушуниши, уни бартараф этиш йўлини аниқлаши.

“Олтин ёруғ”да буддавийлик фалсафаси, юқорида кўриб ўтганимиздай, ахлоқий-таълимий қарашлар асосига қурилган. Умуман олганда, бу фалсафа инсониятни қамтарликка, ҳокисорликка, ундайди, инсонлар мол-дунёнинг ўткинчи жаннини, арзимас эканини ҳис қилишларига ундайди, жонзотларга, инсонларга бўлган севгисиз бўйича жонларини мол-дунёни, иссиқ жонни азобга дучор қилишга даъват қилади. Айниқса, устозларга, улугларга, ота-онага ҳурмат асарда алоҳида ўрни эгаллайди. Бу ахлоқий муаммоларга “Олтин ёруғ”да алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас. Чунки инсоният ҳар доим гуноҳ қилишга мойил. “нонок инсонлар олами”да инсонларнинг қилмишлари кўп.

Асарда уч қимматбахо хазина тушунчасига алоҳида эътибор қаратилган. Буддавийликда уч хазина ниҳоятда қадрланган, шунинг учун ҳам ҳар доим буддавийликка эътиқод қилувчилар бу уч хазинани кўз-кўз қилиб эмас, балки ўзларига мажбурийат сифатида олиб, эътиқоднинг асосий таянчи сифати деб

билганлар. Хўш, бу уч хазина нималардан иборат? *Ебузлик қилмаслик. Яхшилик қилиш. Ақлни поклаш.*

Бу уч мажбурият “уч захар” ёки уч турли ёмон қилмиш деб аталадиган қарарли одат ва қўниқмаларга – очқўзлик ёки шаҳвоний истак, нафрат, йўлдан ўзини ёки подонликка қарши қўйилади. Будданинг ўпта ваъдаси ана шу уч турли ёмон қилмишларга барҳам беришга қарши рухий куч сифатида яратилган. Бу ваъдалар қуйидагилардир: 1. Жонли мавжудотларга ҳеч қандай қарар етказмасликка ваъда бермаман. 2. Агар ўз хоҳиши билан бермаса, ҳеч қимдан ҳеч нарса олмайман. 3. Эр–хотин ўртасидаги вафодорликка раҳна солмайман. 4. Ёлгон гапиришдан ўзимни тияман. 5. Ўз устимдан назоратни йўқотмаслик учун маст қилувчи ичимликлардан ва гиёҳвандликдан сакланаман. 6. Менжайликдан воз кечаман ва гарчи мумкин бўлса ҳам кўн таом емайман. 7. Рақсга тушишдан, мусика тинглашдан, қўшиқ айтишдан, сахнада ўзимни кўрсатишдан воз кечаман. 8. Гулчамбарлардан фойдаланишдан, атир ва турли тақинчоқларни ишлатишдан воз кечаман. 9. Баланд ўриқликларда ўтиришдан, қилин тўшақда ётишдан воз кечаман. 10. Олтин ва қумушдан фойдаланмайман.

Инсоният “уч хазина”га боғланиб, “уч захар”дан қочинишга интилишни мақсад қилиб олишни лозим (IV 9б–10а). Дарвоқе, одамзоднинг табиати доимо дунёвий лаззатга мойил бўлиб келган. Дунёвий лаззат – инсон учун бошнана, маскан. Фақат ташки олам инсоннинг тана истакларини қондира олади. Кимдир пул ва бойликдан лаззат топиб, уни ўзига маскан деб билади, кимдир гиёҳванд моддалардан, кимдир лаззатли овқатдан, кимдир денгиз бўйида дам олишдан лаззат топиб, ташки оламнинг хузур–ҳаловатини ҳаётнинг асосий мазмуни деб билади, ўзини бахтиёр, ҳамма нарсага эришган деб ҳисоблайди. Аммо инсон умр бўйи ботиний озошлиқни – ботиний маскани излайди.

**“Олтун ёруғ”нинг ўрғанилиши.** Асаринг 1910 йили рус олими С.Е. Малов Хитойнинг Гансу вилоятига қарашли Виншугу кинйлогидagi буддавийлар ибодатхонасидан топган. Асар қўлёзмаси 355 ыарак (710 саҳифа)дан иборат бўлиб, 1687 йили кўчирилган. Ҳозирда бу нусха Санкт–Петербургнинг Осиё музейида сакланади. Бу асарни биринчи марта В.В.Радлов ва С.Е. Малов эски уйғур–турк алифбосида чоп эттирганлар<sup>4</sup>. “Олтун ёруғ”ни ана шу уйғур–турк ёзувидаги нусхаси асосида В.В.Радлов олмон тилига таржима қилди. В. Радлов таржимани ниҳоясига етказгач, таржимада қўлаб хатолар ўзига маълум бўлди. Шундан сўнг 466 саҳифадан иборат бу таржимани В. Радлов тўлон қилдирмади. Унинг вафотидан сўнг С.Е.Малов сўз боши ёзиб, бу таржимани чоп эттирди.

В.В.Радлов ва С.Е.Малов нашридан сўнг “Олтун ёруғ” бўйича жаҳон туркологиясида бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу ёдгорлик бўйича илк бор иш олиб борган олим Фридрих Вилгельм Карл Мюллердир. Мюллер “Олтун ёруғ”нинг бошқа нусхаларидан саккизта нарчани 1908 ва 1910 йиллар-

<sup>4</sup> Радлов В.В., Малов С.Е., Суварнапрабхаса (Сутра Золотого блеска) – Текст уйғурской редакции Санкт–Петербурга, 1913–1917, XV + 723 с.

<sup>5</sup> Radloff Dr. W. Suvarnaprabhasa (Das Goldglanz Sūtra). Aus dem Uigurischen ins Deutsche überetzt, nachdem Tode des Übersetzers mit Einleitung von S.E.MALOV hevansgegeben, I–III бўлим 1–256–бетлар; IV бўлим, 257–352–бетлар, V бўлим 353–466–бетлар.

даёқ транслитерация килиб, олмончага таржима қилган эди<sup>8</sup>. Ф.В.К. Мюллер яна Радлов–Малов нашрининг 1913 йилда чоп этилган 192 саҳифадан иборат I-II бўлимини қисман транслитерация қилди ва бу транслитерацияни ўрни–ўрни билан хитойча мағн билан солиштирди. Ф.В.К. Мюллернинг бу иши хозирда Германиядаги Майнз кутубхонасида сақланади.

В. Банн ва А. Габэн Радлов–Малов нашридан 133–141–саҳифаларни транслитерация қилиб, олмончага таржима қилди.

Кейинги тадқиқот турк олимлариники бўлиб, улар орасида энг сермахсули Рашид Раҳматий Арат эди. У 1934 йили илк бор Радлов–Малов нашрини транслитерация қила бошлади. Аммо бу иш охирига етмай, ярмида тўхтаб қолди. Арат “Олтуғ ёруғ”нинг I, Ib – IV 54b (жами 304) саҳифаларини транслитерация қилди<sup>10</sup>. Бу тадқиқот хозирда Анкарада Турк култур тадқиқот марказида Арат кутубхонасида сақланади.

Яна бир турк олими Саодат Чигагойнинг “Олтуғ ёруғ” юзасидан олиб борган ишлари диққатга сазовор. У бу асардан “Қу тай” ва “Шаҳзода ва барс” афсоналарини илк бор Туркияда чоп эттирди.<sup>11</sup>

Яна бир турк олими Шиноси Текиннинг “Олтуғ ёруғ” матнини нашрга тайёрлаш борасидаги хизматларини эътироф этиш лозим. У ўтган асрнинг 60–йилларидан бошлаб “Олтуғ ёруғ”ни хитойча таржимаси билан солиштирди, асарини айрим парчаларини танилаб олиб транслитерация қилди, уйғур–турк ёзувидаги бошқа ёзма ёдориликлар юзасидан ҳам тадқиқотлар олиб борди<sup>12</sup>.

✓Турк олими Чевал Қоя Радлов–Малов нашри асосида 1994 йили “Олтин ёруғ”ни тулик ҳолда чоп эттирди. Чевал Қоя нашрининг афзаллиги шундаки, у Берлин Фанлар Академияси ва Майнз фондидаги 20 га яқин нуسخа парчаларини Радлов–Малов нашрига солиштирди ва бирмунча мукаммал нашрни амалга оширди. Чамаси, “Олтуғ ёруғ” тилининг мураккаблигини назарда тутиб, турк тилига таъдил қилмаган.

Олмон олимларидан Г. Елхерс, Р. Финч, П. Зиеме, К. Рохборн ва бошқа катор турк, француз олимларининг амалга оширган таржималари ҳам “Олтуғ ёруғ”нинг Европа мамлакатларига ёйилишига катта хизмат қилди. Радлов–Малов уйғурча матнини нашр қилганларидан кейин ўтган асрнинг ўрталарида Россияда ҳам “Олтуғ ёруғ”га эътибор қаратилди. С.Е. Малов ҳам юқорида айтиб ўтилган икки афсонани транслитерация қилиб, рус тилига таржимасини амалга оширди.<sup>13</sup> Э.Р. Тенишев 1953 йили “Олтуғ ёруғ” грамматикаси бўйича номзодлик диссертациясини химоя қилди. Айни пайтда бу олим “Олтуғ ёруғ” билан “Қутаду билиг”нинг тилини солиштириб, “Олтуғ ёруғ” “Қутаду билиг”

<sup>8</sup> Müller F.W. K. Uigurica APAW (Abhandlungen der preubischen Akademie der Wissenschaften). 1908, 3-60; F.W.K.Müller Uigurica APAW 1910 1-110

<sup>9</sup> Bang-A.v. Gaben W. Uygurische Studien Ungarische Jahrbücher 10/3, 1930, 193-210

<sup>10</sup> Рашид Раҳматий Аратнинг “Олтин ёруғ” транслитерациясига оид ишлари унинг қуйидаги илмий нашрларида бор: R.R. Arat: F.W.K.MÜLLER-W.JENTZ: Soghdische Texte II, Berlin, 1934, 65-70; R.R. Arat. Türk dili üzerinde araştırmalar: Uygur devrine ait dil örnekleri: “Altun Yarık” İstanbul, 1936; R.R. Arat. Uygurlarda istifalılara dair TM, 7-8/1, 1942, 56-81; R.R. Arat. Eski Türk şiiri. Ankara, 1965.

<sup>11</sup> Çağatay S.S. Altun Yarıktan iki parça. Ankara, 1945.

<sup>12</sup> Бу ҳақда қarang: Ceval Kaça. Uygurca Altun Yarık. Ankara, 1994, s. 53.

<sup>13</sup> Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М – Л.: 1951, –бетлар.

яратилган даврда таржима қилинган тўғрисидаги фикрларини илгари сурди.<sup>14</sup> Ушбекистонда ана шу икки афсона С.Е.Малов нашри асосида ҳозирги ўзбек тилига таъдил қилинди<sup>15</sup>. Хитойлик Гинг Шимши 1958 йили “Олтин ёруғ”ни буддавийлик ақидаси нуқтаи назаридан ўрганишни бошлаган эди. Асарни ҳозиргача буддавийликка эътиқод қилувчилар “Хамма (парса)дан устуи гурадиган нум подшохи” деб этироф этиб келадилар. Шунинг учун бу асар асрлар давомида ханзу, уйғур, мўғул, тибет, манчжур тилларига таржима қилинган. “Олтин ёруғ”нинг катта ҳажмдаги нусхаси Радлов–Малов нашри бўлиб, қўлёзmannинг тахминан ўн беш фоизи зарарланган ва ўчиб кетган. Берлиндаги Турфон коллекциясида бу асарнинг бошқа нусхаларига оид юзлаб нарчалар топиляпти. Келгусида туркологларнинг саёй–ҳаракатлари натижасида бу асарнинг янги саҳифалари юзага чиқини шубҳасиз.

### “Олтин ёруғ”нинг тузилиши ва бўлимлари

“Олтин ёруғ” сўдури (сутра)лардан ташкил топган. *Сўдури* санскритча сўз бўлиб, “ҳикматли сўз, киска йўлланма” маъносини билдиради.<sup>16</sup> Бу терминнинг бошқа маънолари ҳам бор.<sup>17</sup> Ҳар бир бўлимда буддавийликнинг муҳим жиҳатлари тўғрисида Тангрилар тангриси бурхон билан Хўрмузд ҳамда бошқа тангрилар ўртасида савол–жавоб кечади. Буддага берилган савол билан мавзу бошланади. Будда саволга жавоб бераётганда, орада хикоялар ҳам киритилади.

“Олтин ёруғ”нинг Радлов–Малов нусхаси 10 китобдан (tagzine) иборат. Ҳар бир китоб бир печа бўлимларини – жами 31 бўлимни ўз ичига олади.

**Süü ülüşh (қирини)** бўлими қуйидаги киемлардан ташкил топган:

1. Бу нум хазинаси билан эзгуликка эринган жонзотлар – бошланиши йўқ. 16b1 – 1. 9a\16.

2. Қуи чинг деган бекиннинг хотини тўғрисидаги хикоя – 9a\17 – 1. 14b\17.

3. Тўрт махаранч тангриларга назр бериш ҳақида – 14b\18 – 16b\9. Бу бўлим тибетчадан таржима қилиниб, хитойча таржима орасига киритилган. Танвасин муаллим аслзодалардан бири бўлган Қумғон тутунгнинг илтимоси билан таржима қилган. Бу бўлимнинг таржимаси тўғрисида 1 бўлим, 16–саҳифада шундай маълумот берилади: “Нумчи Танвасин муаллим, Қумғон тутунгнинг илтимоси билан қуён йилининг бешинчи ойида тибет тилидан уйғур тилига ўғирдим”.

4. Саккизта улуг ўринлардаги ибодатхоналарнинг мадҳияси – 16b\10 – 18b\22.

Бу бўлимни аслзодалардан бири Нагурчунининг илтимоси билан Амогашири Ачари санскритчадан таржима қилган. Асарда бу ҳақда шундай маълумот берилади: “Олийжаноб улуг устоз Нагарчунини сабабли яратилган саккиз улуг ўрнидаги ибодатхоналарни мадх (қиламан). Мен, Амогашири Ачари, ҳинд тилидан турк–уйғур тилига тангри бурхон туғилган сизир

<sup>14</sup> Тейшенев Э.Р., “Қутадғу билиг” и “Алтын ёруғ”, – ж. “Советская тюркология”, 1970, 4, стр. 24–31

<sup>15</sup> Раҳмон Н., Турк хоқонлиги, Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993, 130–бет.

<sup>16</sup> Ричендуб Будон, История буддизма, – Евразия, Санкт–Петербург, 1999, 48–бет

<sup>17</sup> Ричендуб Будон, Шу асар, 11ча бет

йилининг тўртинчи ойи. ўн тўртинчи (қунида) ағдариб, ўз қўлим билан тамомладим. охирига етказдим”.

#### I китоб

1-бўлим. 34a\12 – 34d\52 – бўлимнинг бошланиши йўқ.

2-бўлим. 34e\1-34s – бўлимнинг бошланиши йўқ.

#### II китоб

3-бўлим. Ҳақиқатдан тугилганларнинг уч танасини фарқламок – II.1a\4 – II. 1a\7.

4-бўлим. Тушда олтин дўмбирани кўриб тавба қилмок – II. 29b\4 – II. 48b\23.

#### III китоб

5-бўлим. Ишга зарар келтиришга барҳам бермок – III.1a\2 – III.28b\1.

#### IV китоб

6-бўлим. Пок юртларнинг ҳар бирида дарни деб аталадиган таянч нўмларни ўқитмок – IV. 1a\4 – IV. 73a\1.

#### V китоб

7-бўлим. Нилуфар гулга киёслаш билан мактов – V. 1a\6 – 6a\5.

8-бўлим. Қизил олтин (деган) сеҳр-жоду сўзларини ўқитмок – V. 6a\6 – V. 14a\17.

9-бўлим. Йўқ, қурук моҳиятни ўқитмок V. 9a\17 – V. 14a\16

10-бўлим. Йўқ, қурук моҳиятга таяниб, орзу қилган истакларини қондирмок V. 14a\ 17– V. 17b\ 19.

11-бўлим. Тўрт маҳаранч Тангри(лар) тангриси инсонлар жамоагини кўрмоғи – V. 27b\20 - V. 30a\15.

#### VI китоб

12-бўлим. Тўрт маҳаранч Тангрилар тангриси инсоният жамоатини кўрмоғи – V. 30a\16 – VI. 30b\10

#### VII китоб

13-бўлим. “Богланмаслик” деган дарни нўмини ўргатмок – VII.1a\4 - VII. 4a\5.

14-бўлим. Чингамали номли дарни нўмини ўргатмок – VII. 4a\7 - VII. 8a\9 .

15-бўлим. Сарасвати номли тангри кизининг илтимос қилмоғи – VII. 8a\11- VII. 20a\23.

#### VIII китоб

15-бўлим. Бўлимнинг бошланиши тушган. VIII. 1a\... - VIII. 8b\15 –

16-бўлим. Ширикени номли тангри кизининг илтимос қилмоғи – VIII. 8b\18 - VIII. 11b\5.

17-бўлим. Ширикени (номли) бахт-саодат тангриси хотини мол-дунё орғитирмоғи – VIII. 11b\7 - VIII.16a\10.

18-бўлим. Васундари номли ер маликасининг илтимос қилмоғи – VIII. 16a\11 - VIII. 21b\1.

19-бўлим. Санчаначави номли тангрилар жангчисининг илтимос қилмоғи – VIII. 21b\2 - VIII. 25b\6.

20-бўлим. Ҳуққдорларнинг тўғри қонунини сўзламок – VIIIю25b\7 - VIII.38b\10.

## IX китоб

- 21—бўлим. Сучати номли ҳукмдорнинг сабабини ўқитмок – IX. 16\4 - IX. 6\15.
- 22—бўлим. Тангрилар (ва) шайтошларни кўримок – IX. 6\16 - IX. ?12.
- 23— бўлим. Бу бўлим ўчиб кетган.
- 24—бўлим. Бу бўлимнинг боши ўчиб кетган – IX. 21a\1 - IX.27b\6.
- 25—бўлим. Удаканишади (номли) эркакнинг иш-амалларини ўргатмок – IX. 27b\6 - IX. 31b\16.

## X китоб

- 26—бўлим. Бўлимнинг бошланиши ўчиб кетган – X. ? – X.23b\17.
- 27—бўлим. Ўнта тарафдаги бўдисатвларнинг Тангри(лар) тангриси бурхонга ҳамду сано ўқимоғи – X. 23b\18 – X. 26a\8.
- 28—бўлим. Сўмакити (номли) бўдисатвнинг Тангри(лар) тангриси бурхонга ҳамду сано ўқимоғи – X. 26a\9 – X. 28a\7.
- 29—бўлим. Бўди дарахти тангрисининг Тангри(лар) тангриси бурхонга ҳамду сано ўқимоғи – X. 28a\8 – X. 30a\17.
- 30—бўлим. Сарасвати (номли) тангри кизининг Тангри(лар) тангриси бурхонга ҳамду сано ўқимоғи – X. 30a\18 – X. 32a\12.
- 31—бўлим. Бу судур хазинасини итоат эттирмок – X. 32a\13 – X. 38a\5.
- Китоб “buyan ävitmäk” (олийжаноб хатти-харакатни йўналтирмок) бўлими билан тугайди. Бу бўлим 9 саҳифани ўз ичига олади.

## “Олтин ёруғ”нинг жанр хусусиятлари

“Олтин ёруғ”нинг жанр хусусиятлари тўғрисида дастлаб С.Е.Маюв ўз муносабатини билдирган.

Марказий Осиё худудида истикомат қилган қадимий қавмларнинг ижтимоий ҳаёти, маданий-маънавий ҳаёт тарзи археологик материаллардан кўра, ёзма манбаларда тўлақонли ўз аксини тошган. Қадимий ёзма манбаларни ёзма адабиёт сифатида талкин ва таҳлил этиш, уларнинг жанр хусусиятларини белгилаш масаласи хали кун тартибига қўйилган эмас.

Маълумки, ёзма матнларни жанрларга ажратишда турли белгиларга таянилади. Соф адабий белгиларга асосланган ҳолда жанрларга ажратиш – кейинги ҳодиса. Шу боис адабиёт тарихи олдида шундай вазифа туради: факат жанрларнинг ўзини эмас, балки жанрларга ажратиш тамойилларини ўрганиш, алоҳида жанрлар ва уларнинг тарихини эмас, балки маълум даврдаги жанрлар тизимини ўрганиш маълум натижаларга олиб келади. Илк мумтоз давр(XI аср):дан кейинги жанрларни тизим ҳолида ўрганиш борасида маълум натижаларга эришилган. Аммо илгарига борган сари адабий жанрларга ажратиш тамойиллари мураккаблашиб бораверади. Зотан, ёзма ёдгорликлар адабий вазифадан ташқари, ноадабий вазифаларни ҳам у ёки бу даражада бажаради<sup>18</sup>. “Хуастуанифт”. “Олтин ёруғ” асарлари бунга бир мисолдир. Бу ёзма ёдгорликларнинг қайси жанрга мансублигини аниқлаштиришида аниқ бир фикр йўқ. Мазкур ёзма ёдгорликларнинг қайси жанрга мансублигини

<sup>18</sup> Лихачев Д.С. Исследования по древнерусской литературе. — Л.: “Наука” ЛО, 1986, с.57.

белгилашда уларни юзага келтирган ижтимоий—маданий муҳитни ҳам назарга тутиш керак. Дарвоқе, мазкур ёдгорликларнинг ноадабий вазифаси — маълум диний оқимларни кенг омма орасига ёйиш ва инсониятни эзгуликка етаклаш вазифаси ҳам ёзма ёдгорликларнинг алоҳида жанр сифатида шаклланишида хизмат қилган.

“Хуастуанифт” монийлик оқими ва унинг ақидаларини баён қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган асардир. Асарнинг йиғма матнини нашрга тайёрлаган Л. В. Дмитриева “монийларнинг тавба ибодати” деган таъриф билан чекланади.<sup>19</sup> Унинг вазифаси “Хуастуанифт”нинг тўлиқ матнини тиклаш бўлган эди. С.Е. Малов ҳам бу ёзма ёдгорликнинг парчасини эълон қилганда, “ибодат” терминини ишлатади. “Ибодат” қадимги туркий адабиётда жанр белгиларига эгами, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб беришда, шубҳасиз, жанрлар туғрисидаги бутунги мезонлар аҳамиятли бўла олмайди. Бу даврдаги жанрларни аниқлашда ёзма ёдгорликнинг ўзидан олинган терминга эътибор қаратиш ва жанрни ўша термин билан аташ ўриqli бўлади. “Хуастуанифт”нинг ҳар бир бўлими сўнгида муаллиф моний жамоаси аъзоларининг илғари қилган гуноҳлари учун Тангри Хўрмуздга илтижо қилиб, *олтунч* (илтижо) терминидан фойдаланади ва тавба қилади. Бизнингча, ана шу термин “Хуастуанифт”нинг жанр хусусиятини ўзида ифода этади. Ҳар бир бўлимининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, муаллиф *олтунч* терминини такрорлайди.

Қадимги туркий адабиётда ҳам жанрлар бир—бирига боғлиқсиз яшай олмайди, улар ўзаро муносабатда бўлган ҳолда бир тизимни ҳосил қилади.

“Олтун ёруғ” асари эса, “Хуастуанифт”дан фарқли равишда, *судур*лардан ташкил тошганилигини юқорида айтдик. Судур адабий жанр сифатида рус адабиётшунослари томонидан қайд этилган.<sup>20</sup> Аммо “Олтун ёруғ” фақат судурлардан иборат эмас, балки асар бошида ва охирида, ҳар бир бўлимда афсоналар, хикоятлар бор. “Судур” жанри, бизнингча, бу иккала афсонани камраб ололмайди. Бунинг устига, “Олтун ёруғ” худди “Қутадғу билги”даги сингари сюжет қурилишига эга эканини кўрамиз. Тангрилар тангриси бурхон билан Хўрмузд ўртасидаги савол—жавоб шундан далолат беради. Хуллас, “Олтун ёруғ”нинг “Қутадғу билги” билан бир жанр доирасида қараш ўриqli.

“Олтун ёруғ”нинг таржумони *Сенги Сели Тудун*нинг луғавий маъноси ҳақида туркологлар шундай фикрга келганлар: *Сенги* — туркийча исм, *Сели* — санскритча бўлиб, “устоз, мураббий” маъносини билдиради; *Тудунг* ушунини буддавийликда энг юқори мавқедадан бирини кўрсатади.

\* \* \*

“Олтун ёруғ”да рухий камолотга интилиш жамиятнинг ҳамма томонини ва ҳамма қатламни камраб олган. Ҳаммасининг остида инсонга муҳаббат ётади. Инсоннинг камолоғи учун, биринчи навбатда, мамлакатда адолат барқарор бўлмоғи, қонун—қоидалар амал қилмоғи лозимлиги — асардаги муҳим ақидалар—

<sup>19</sup> Дмитриева Л. В. Хуастуанифт (введение, текст, перевод). — “Туркологические исследования”, изд. АН СССР, М. — Л. 1963, стр. 214

<sup>20</sup> Буддизм. Словарь. — М. “Республика”, 1992, 233—бет.



дан дир. Конун-қоидаларга амал қилиш – буддавийлик ақидастарига риоя қилиш-ни англатади, яъни солиҳлик, поклик ҳар бир одамнинг шиори бўлиши керак. Жумладан, асарнинг учинчи бобида бу ҳақда шундай дейилади: “Қайси бир юртдаги подшоҳ, бек, амалдор тўғри конун-қоида бўйича юрса, бу китобдаги фармонлар бўйича юрса, халқи ҳам шу китобдаги конун бўйича юради”.



✦ “Олтин ёруғ”нинг шу бобида яна айтилишича, инсоннинг шон-шухрати унинг мулкidan эмас. “Бойлик, – дейилади бу асарда, – конунни оёқ ости қилишга олиб боради. Инсон бойликдан нафратлансагина, конун-қоидага ҳурмат қиладиган бўлади. Инсон бу оламдан манфаат изламагандагина, шон-шухратга эришиб, таъмағирликка, фаолиятсизликка, руҳсизликка чек қўяди”. Ҳақиқий намоён қилиш, кўнчилиқнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлиш ҳам манфаат изламаганда пайдо бўлади. “Олтин ёруғ” асаридаги “ҳақиқий билим”ни – кашф этилган илмни юрагига жойлаш олгандагина, инсон фазилатлилар қаторига ўтади. Ҳақиқий билимни эгаллаган одам бу дунёда солиҳ ҳаёт кечириб, жамики жонзотларнинг азоб-уқубатларига шерик бўлади. Жонзотларга нажот бағишлаш, уларнинг азобларига шерик бўлиш, жон фидо қилиб бўлса ҳам ёрдам бериш – “Олтин ёруғ”даги яна бир муҳим ақидадир. Ана шу ақидага амал қилган одам “таналарни, тирик жонларни ўлдирмайди, бировнинг мол-дунёсини тортиб олмайди, ўғирлик қилмайди, бошқаларнинг хотинига боғланмайди, ёлғон гапирмайди, тухмат қилмайди, кўпол, ёқимсиз сўз сўзламайди, тилёғламалик қилмайди, ҳасад қилмайди, бошқаларга ғазабнинг сочмайди” (IV). Бир сўз билан айтганда, оддий ҳаётнинг ҳақиқатини (факат илохий ҳақиқатини эмас!) англаб, унга риоя қилиш шундир.

Очқўзликка олиб келадиган оқибатлардан ҳам ташани, ҳам қўнчилиш тийиш яна бир фазилатдир. Ғазабнинг олдини олиш, қўнғилдан қирларни кетказиб руҳан покланиш, билимлик ва ақллиқнинг пайдо қилиш каби қатор фазилатлар ҳам инсониятнинг безағидир, деб уқтирилади асарда. Ҳар бир саҳифада бу сингари ҳақиқатга дуч келаверамиз.

Кўришиб турибдики, ботинан ва зоҳиран қомил, руҳан собит инсонни тарбиялаш масаласи исломиятдан олдин ҳам жиддий масала бўлиб кўтарилган. Қадимий Ўзма ёдгорликлардаги бу сингари ақидалар маънавий баркамол инсонни тарбиялашда бугун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

“Олтин ёруғ” ва қадимги туркий адабий тил. “Олтин ёруғ”, туркий тилларни даврлаштириш назариясига кўра, қадимги турк даври (V-VII асрлар)га мансуб. Шунингдек, Ўзма ёдгорликлар тили, хусусан, турк-уйғур ёзувидаги Ўзма ёдгорликларнинг тили нуқтан назаридан ҳам “Олтин ёруғ” қадимги туркий Ўзма адабий тил шаклланиган даврга алоқадор. “Олтин ёруғ”дан ташқари, турк-уйғур ёзувидаги монийлик оқимига оид қатор Ўзма ёдгорликлар, ҳуқуққа оид ҳужжатлар, буддавийликка мансуб “Майтри ёмиғ” ва бошқа жадрлардаги Ўзма ёдгорликларнинг тил хусусиятлари ҳам қадимги турк давридаги Ўзма адабий тил хусусиятларининг ўзида гавдалантиради. Бу даврдаги адабий тил, хусусан, турк-уйғур ёзувини яратган қавмлар тили Қорахонийлар давридаги (XI-XII асрлар) адабий тилининг шаклланишига ҳам таъсир кўради.

Албатта, туркий қавмлар ўрнашган ҳудудлардаги қадимги туркий адабий тили бу давр учун ягона тил деб ҳисоблаш чикарийинг бир ёқимликка олиб



келиши, яъни VII-X асрларда туркий кавмлар яшаган ҳудудда амал қилган адабий тил ўзгармаган деган хулосага олиб келиши мумкин эди. Машхур турколог Амир Нажиб “бир неча адабий тиллар” тўғрисидаги қарашларини илгари сурганда<sup>21</sup>, ҳақин эди. Бир неча адабий тилларнинг шаклланишига асосий сабаблардан бири – туркий кавмларнинг Марказий Осиёдан тортиб ғарбга томон турли ҳудудларга қадимдан ёйилиб кетганидир. Агар Олтой давридаги туркий тилларни адабий тилнинг ибтидоси деб қарайдиган бўлсак, “бир неча турли адабий тиллар” туркий кавмлар ҳаётида фақат ўрта асрларда эмас, балки аввалдан муҳим роль ўйнаганини кўриш мумкин. Бу тилларнинг энг қадимги даврлардан амал қилганини фонетик қонуниятлар ва ҳодисалар ҳам кўрсатади. Жумладан, ротацизм ( $r = z$ ) ва ламбдаизм ( $l = sh$ ) ҳодисасига туркологлар алоҳида эътибор қаратиб, Олтой даврининг асосий хусусиятларидан бири сифатида эътироф этадилар. Аммо бу қарашларнинг ақси ҳам бор. Масалан, XX аср бошларида венгер олими З. Гомбоз  $z$  ни Олтой даврида бирламчи,  $r$  ни эса кейинги ҳодиса, деб,  $sh$  – бирламчи,  $l$  эса иккиламчи ҳодиса деб қараган эди<sup>22</sup>.

Биз бу ўринда Олтой назарияси тўғрисидаги қарашларни таҳлил қилмоқчи эмасмиз, балки қадимги туркий адабий тилларнинг шаклланиши тўғрисида тўхталиб, Олтой давридан бошлаб бир неча туркий тиллар амалда бўлганини кўрсатмоқчимиз, ҳолос. Албатта, қадимги туркий тилларга тарихий нуқтан назардан ёйлошилса, биринчи навбатда, уларнинг амал қилиш доирасига эътибор қаратиш керак бўлади.

Қадимги туркий адабий тил Марказий Осиёнинг турли ҳудудларида амал қилиш жараёнида маҳаллий диалектларнинг таъсири остида ўзгаришга учрагани табиий ҳол. Шунинг учун ҳам айрим туркологлар (масалан, Амир Нажиб) турли ҳудудлардаги туркий тилларга нисбатан “адабий диалект” терминини қўллаганлар. У ёки бу гуруҳдаги ёзма ёдгорликларга нисбатан “адабий диалект” “адабий тил” тушунчаси ўрнини босади<sup>23</sup>. Бу қараиш фақат ўрта асрлардаги ёзма ёдгорликларга нисбатан эмас, балки қадимги турк давридаги ёдгорликларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, урхун ёдгорликлари тили билан енисей ёдгорликлари тили ўртасидаги (хусусан, товуш тузилишидаги), урхун–енисей ёдгорликлари билан турк–уйғур ёзма ёдгорликлари тили ўртасидаги (товуш, морфологик тузилиши, лексика) фарқлар шундай фикрга ундайди. Бу фарқлар таҳлилида ёзув турлари ва хусусиятларини назарда тутиш лозим. Шубҳасиз, бу туркологияда долзарб масала бўлиб, хусусан, қадимги туркий тиллар бўлгани ва Марказий Осиёнинг қатта ҳудудидан ғарбга ёйилганини далиллашга хизмат қилади.

“Олтин ёруғ” тилида VII-VIII асрдаги қадимги туркий тил хусусиятлари ҳам сақланган. Бу хусусият, аниқроқ, ҳар иккала гуруҳдаги ёзма ёдгорликлар тилининг  $d$  гуруҳ тилларига мансублигида кўринади. Масалан: *adgü* (эзгу,

<sup>21</sup> Нажиб А.Н. Исследования по истории тюркских языков XI-XIV вв. – М.: Главная редакция Восточной литературы, 1989, стр. 3

<sup>22</sup> Бу ҳақда қараиш: Гуммаев Ж. Становление и развитие алтайской теории и алтаистики – Туркестан, 2006, 66–67-бетлар

<sup>23</sup> Нажиб А. Южурдаги асар, 7-бет

яхни), *adgüti* (яхшилаб), *qodup* (қўйиб), *qodli* (қўли), *adaq* (оёқ), *qod-* (қўй-), *yadilmamish* (ёйилмаган) ва х. Ёки Олтой давридаги *r* дан *z* га ўтган ҳолат ҳам "Олтин ёруғ"да учрайди: *közünli* (кўринди), *közünür azun* (ҳозирги олам), *közünür öd* (ҳозирги замон). Хуллас, "Олтин ёруғ"нинг қадимги туркий тилларга ҳос умумий товуш хусусиятларига ва товуш ўзгариш қонуниятларига тўхталмай<sup>24</sup>, унинг тили *d* гуруҳ тилларига маъсуб экалитини қайд этиш билан чекланамиз. Махмуд Қошғарийнинг "Девону лугатит-турк"да туркий қабилалар тилидаги товуш ўзгаришларига боғлиқ ҳолда гуруҳлашни берилган<sup>25</sup> бўлиб, "бир печа туркий адабий тил" тушунчасини асослашда унинг тасвифи ҳам муҳим далил бўлиши мумкин. Бунинг устига, V-VII асрлардаги лексик қатлам, грамматик шакллар ва унлилар тизими ҳам "Олтин ёруғ"да давом этган.

